

# Qishloq hayoti

2009 йил

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили

Қишлоқ ҳаёти

ISSN 2010-7021

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

www.qishloqhayoti.uz

2009 YIL 10 NOYABR, SESHANBA, 132 (7593) - son

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan Bahosi kelishilgan narxda.



Мамлакатимизда пахта ҳосилини ва сифатини янада кўтариш мақсадида асосан узоқ вақтлардан буён ҳозиргача экилиб келинаётган айрим навлар ўрнига янги истиқболли ва минтақага мослашган эртапишар навларни етиштириш ҳамда жойлаштириш негизда ҳосилдорлиқни ошириш, тола сифатини яхшилаш кўзда тутилган.



Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкнинг тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонининг қабул қилиниши банк томонидан амалга оширилаётган хайрли ишлар қўламини янада кенгайтириш имконини берди.



Сиёсатхон опа Абдуллаева нима топса даласига — тупроғига меҳр бериб топди. Энг яқин кишиларини йўқотган чоғларида ҳам шу даласи унинг дардларида дармон бўлди — айрилиқ мусибатларини унутмоқ учун меҳнат билан овуниди. Қўларига ёш келганида бировларга сездирмади. Сабр-қаноат қилди.

**Юртбошимиз** Ислам Каримов ташаббуси билан 2006 йил 12 сентябрда қабул қилинган тиббиёт ходимлари кунини белгилаш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунига биноан, юртимизда ҳар йили ноябрь ойининг иккинчи якшанбаси шифокорларнинг касб байрами сифатида кенг нишонланади. Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида ана шу санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда соғлиқни сақлаш тизими ходимлари билан бир қаторда давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам иштирок этди.



## ЧУҚУР ТАҲЛИЛ АСОСИДА

**САМАРҚАНД** шаҳрида жорий йилнинг тўққиз ойида вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йиғинлари ва шу йил 13 февралда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси мажлисида Президентимиз Ислам Каримов томонидан белгилаб берилган иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор вазифаларини амалга ошириш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши бўлиб ўтди.

**СУРХОНДАРЁ** вилояти фаолларининг йиғилиши жорий йил тўққиз ойида вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йиғинлари ҳамда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш борасидаги долзарб вазифаларга бағишланди.

Самарқанд вилояти ҳокими У.Барноев бошқарган йиғилишда Юртбошимизнинг ташаббуси билан ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурининг ҳаётга изчил татбиқ этилиши туфайли иқтисодиётда барқарор ўсиш суръатлари таъминланаётгани таъкидланди.

Вилоят ҳокими Т.Жўраев бошқарган йиғилишда Президентимиз Ислам Каримовнинг шу йил 13 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисида сўзлаган маърузасида белгилаб берилган устувор вазифаларни амалга оширишнинг қўламини кенгайтиришга асосий эътибор қаратилди. Юртбошимиз раҳбарлигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастури доирасида саноат корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни, фермерлик ҳаракатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш вилоятни иқтисодий-иқтисодий ривожлантиришда муҳим омил бўлмоқда.

Вилоятда йилнинг ўтган даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,4 фоизга ўсди. Ишлаб чиқариш саноатида 14,5, қишлоқ ҳўжалигида 5,1 фоизга ошди. Шунингдек, истеъмол моллари ишлаб чиқариш 19,3, чакана савдо 15,7, пуллик хизмат кўрсатиш ҳажми 33,6 фоизга кўпайди.

Йилнинг ўтган тўққиз ойида ялпи ҳудудий маҳсулот ўсиш суръати 6,6 фоизни, жумладан, саноатда 9,2, қурилиш-пудрат ишларида 25,5, чакана савдода 13,6, пуллик хизмат кўрсатишда 24,1 фоизни ташкил этди.

Вилоятда 55 экспорт қилувчи корхонадан 17 тасининг инвестицион фаолияти қўллаб-қувватланди. Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни ривожлантириш учун тижорат банклари томонидан 62,4 миллиард сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Ушбу тadbирлар натижасида 51 миң 135 янги иш ўрни ташкил қилинди.

Хисобот даврида "Сурхон-Термиз-Силк" хусусий корхонасига йилга 400 тонна пилани қайта ишлайдиган замонавий технология ўрнатилди. Тошгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўли орқали пассажир поезди қатновни йўлга қўйилди.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 27 лойиҳа ижроси таъминланиб, 119 миллиард 271 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш мақсадида 276 соҳа-барпо этилди. Уларнинг 244 таси қишлоқ жойларига тўғри келди.

Шу билан бирга "Сариосиёнахта", "Сурхон-озикқоқсаноати", "Сурхон комбинати", "Шар-гунқумир" акциядорлик жамиятлари ва "САБ" масъулияти чекланган жамиятида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайгани кузатилди. Бандихон, Шўрчи, Шеробод, Термиз ва Қизилқум туманларида маҳжуд қўшма корхоналар фаолият кўрсатмади. Вилоятда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишлар ҳам талаб даражасида эмас.

Йиғилишда иқтисодий-иқтисодий соҳада йўл қўйилган қамчиликлар ҳам муҳокама қилинди ва уларни бартараф этиш чоралари белгиланди.

Йиғилишда 2009-2010 йилларда қишлоқ жойларда уй-жойларнинг комплекс қуриш лойиҳалари дастурининг ижроси, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, иқтисодий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасининг қуз-қуш мавсумига тайёргарлиги, мева-сабзавот, картошка ва бошқа озиқ-овқат маҳсулотларини гамлаш билан боғлиқ масалалар ҳам атрофида кўриб чиқилди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У.Розиков сўзга чиқди.

Сурхондарё вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Б.Хўжаев сўзга чиқди.

**Ғ.ҲАСАНОВ,**  
ЎЗА мухбири.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**  
ЎЗА мухбири.

## ЮКСАК ЭЪТИБОР ВА ҒАМХЎРЛИК САМАРАЛАРИ

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги Исроҳон Юртимизда тиббий-иқтисодий жаҳда олиб борилаётган изчил ислохотлар натижасида халқимизга жаҳон андозлари даражасида тиббий хизмат кўрсатишнинг самарали тизими шаклланиши алоҳида таъкидланди. Аҳолининг барча қатламларини қамраб олишга мўлжалланган шифолиқ тиббий ёрдам хизмати тизими, энг оғир ҳасталиқларга ҳам тез ва самарали ташхис қўйиш ҳамда юксак технологиялар асосида тиббий ёрдам кўрсатишга йўналтирилган иқтисодлаштирилган тиббий илмий марказларда ҳар йили минглаб инсонлар шифо топади.

Давлатимиз раҳбарининг 2007 йил 19 сентябрдаги "Соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилишни янада чуқурлаштириш ва уни ривожлантириш Давлат дастурини амалга оширишнинг асосий йўналишлари тўғрисида"ги фармони бундай хайрли ишлар қўламини янада кенгайтиришда муҳим омил бўлаётган.

Мазкур ҳужжатда белгиланган тadbирлар изчил ижро этилиши натижасида шифолиқ тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланмоқда. Иқтисодлаштирилган тиббиёт муассасалари сони кенгаймоқда. Аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари самарадорлигини янада ошириш мақсадида халқаро ташкилотлар ва нуфузли молия муассасалари билан ҳамкорликда "Саломатлик-1" ва "Саломатлик-2" лойиҳалари доирасида салмоқли ишлар амалга оширилаётган. Бунинг натижасида қишлоқ врачлик пунктлари замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланмоқда. Энг янги русумдаги лаборатория воситалари, стерилизация жиҳозлари, физиотерапия асбоблари, турли ҳасталиқларни аниқлайдиган ва самарали даволайдиган тиббий технологиялар билан жиҳозланган қишлоқ врачлик пунктлари аҳолининг ишончи тобора мустаҳкамланаётган.

Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида бошқа соҳалар қатори аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш ишлари қўламини янада кенгайтириш мақсадида ўз навбатида қишлоқ врачлик пунктларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, биноларни таъмирлаш ва замонавий тиббий воситалар билан таъминлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Ўз навбатида бундай имкониятдан оқилона фойдаланаётган бирламчи шифо масканлари мутахассислари касалликларнинг олдини олиш, оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш, тиббий-эпидемиологик муҳитни барқарорлаштиришда салмоқли натижаларга эришмоқдалар.



Корақалпоғистон Республикасининг Эликқалъа туманидаги "Ибн Сино" қишлоқ врачлик пункти 2009 йилнинг энг намунали қишлоқ врачлик пункти деб топилди ҳамда "Дамас" автомашинаси билан таъмирланди.

— Ушбу мукофот бирламчи шифо масканлари фаолиятини такомиллаштиришга давлатимиз раҳбари томонидан қаратилаётган юксак эътиборнинг амалдаги яна бир ифодасидир, — дейди мазкур қишлоқ врачлик пункти мудири Дилором Айтбоева. — Тиббий масканимиз энг сўнгги русумдаги диагностика аппаратлари билан тўла таъминланган. Бизга тақдим этилган автомашина патронаж ишларини янада кенгайтириш, аҳолининг қишлоқ врачлик пунктига ишончини ошириш ва иш фаолиятини ривожлантиришга хизмат қилади.

Тadbирда оилавий поликлиникалар ўртасида ўтказилган танлов якунлари эълон қилинди. Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги 1-оилавий поликлиника биринчи ўринга лойиқ топилди.

— Оила шифокори тизими шаҳар шароитида аҳолига тез ва самарали тиббий ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни оширишда яхши усул эканини яққол намойён этмоқда, — дейди мазкур поликлиника бош шифокори Саидрахмад Хамроқулов. — Етти нафар оила шифокоримизнинг ҳар бирига икки-икки ярим миң аҳоли бириктирилган. Улар ҳар бир оила аъзосининг жиҳмоний ва руҳий ҳолати тўғрисида тўла маълумотга эга. Бу ҳасталиқларнинг олдини олиш ва профилактика тadbирларини юқори савияда ташкил этишда фойдаланишда.

Тadbирда энг фол умумий амалиёт шифокори ва патронаж ҳамшираси танловлари ғолиблири ҳам эълон қилинди. Ғолиб ва совриндорлар "Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш аълочилиги" кўкрак нишони ҳамда қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. Байрам концерти даврага янада фойз киритди.

Тadbирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Орипов сўзга чиқди.

Баҳор ХИДИРОВА,  
ЎЗА мухбири

**МУАССИСЛАР:**  
Ўзбекистон Республикаси Аграрно-аграрно комплекси таркибидаги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар

БИЗНИНГ НАШР ИНДЕКСЛАРИМИЗ:  
"Qishloq hayoti" ва "Hayot" биргаликда — 144  
"Hayot" — 145

Қазаққарё Вилоят

### ПАНЖОБЛИК САРМОЯДОРНИНГ НУҚРАБОТДАГИ ФАОЛИЯТИ

Вилоятнинг Қарши туманидаги Нукработ қишлоқда хиндистонлик сармоядорлар томонидан ташкил этилган "SECO Inc" масъулияти чекланган жамиятида сиз ва мих каби қурилиш материалларини ишлаб чиқариш йўлга қўйилмоқда.

Мазкур корхона Хиндистондаги Панжоб вилоятида фаолият юритаётган "SECO Industries" компаниясининг мулкдорларидан бири Анвар Синх томонидан ташкил этилган "SECO Inc" МЧЖнинг низоми жамғармаси 110 миң АҚШ долларига тенг бўлиб, у Нукработ қишлоқда замонавий минералогиялар ҳамда илҳам ус-қуналар олиб кириш йўли билан шакллантирилмоқда.

Эътиборли жиҳати шундаки, "SECO Inc" масъулияти чекланган жамияти Қазаққарёда хиндистонлик тadbиркорлар томонидан тузилган дастлабки корхонадир. Унинг эгаси — жаноб Синх шу йилнинг июнь ойида вилоят марказида ташкил этилган "Karshi Agrominifex Expo-2009" халқаро кўргазма савдосида қатнашиб, хорижий сармоядорлар учун яратилган шарт-шароитлар билан ҳам обдон танишганди. Орадан кўп вақт ўтмай, хиндистонлик тadbиркор Нукработда бизнес фаолиятини бошлашга қарор қилди.

Хусан ТЕМИРОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги,  
"Ергодоказдастр", Табиати муҳофаза қилиш Давлат қўмиталари,  
"Ўздонмаҳсулот", "Ўзқимёсаноат", "Ўзагрогурта", "Ўзвиносаноат-холдинг",  
"Ўзбекенгилсаноат", "Ўзқишлоқхўжалиқмашлизинг" компаниялари, "Ўзпахтасаноат",  
"Ег-мой ва озиқ-овқат саноати", Ўзбекистон фермер хўжалиқлари, "Ўзагромушсервис",  
"Ўзғўштусаноат" уюшмалари, "Агробанк", "Қишлоқ қурилиш банк", Халқ банки,  
"Гидрометеорология" бош бошқармаси, Аграрно-аграрно ходимлари қасаба уюшмаси Марказий кенгаши, "Ўздавдонинспекция", "Сифат" маркази



**Б**анкларни иқтисодийнинг қон томирига менг- зашади. Бу ўхшатишнинг нақадар ўринли эканлигини жаҳонда давом этаётган, кўпгина давлатлар иқтисодийни танг аҳволга келтириб қўйган молиявий-иқтисодий инқироз ҳам кўрсатди. Унинг айна ипотека кредитлариға боғлиқ ҳолда бошланганлигини инобатта олсак ҳам фикримиз равшанлашади. Президентимиз раҳномалигида мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг чуқур ўйланган ва изчил дастури, шунингдек, инқирозға қарши самарали чора-тадбирларнинг амалга оширилиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодийётига салбий таъсирини муваффақиятли бартараф этишни, барқарор ривожланиш ва изчил иқтисодий ўсишни таъминлайтир. Таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий таъсирини юмшатишда банк-молия тизимининг муҳим аҳамияти бор. Яъни, иқтисодийнинг муҳим тармоқларининг барқарор ривож уларнинг сармоявий муҳитига боғлиқ. Бу жараёнда эса банклар фаол ва ишончли ҳамкор ҳисобланади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодийётига таъсири юмшатишда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг аҳамияти катта. Негаки, унинг характери илҳам ва ҳаракатчан. Бу эса бозор конъюктурасига, истеъмолчилар талаб ва эҳтиёжга тез мослаша олиш хусусиятини юзага келтиради. Шунингдек, аҳоли бандлигини таъминлашда муҳим омили ҳисобланади. Инқирозға қарши чоралар дастурида айна шу соҳага алоҳида эътибор қаратилгани ҳам бежиз эмас. Бунинг натижаси йилдан-йилга яқли ички маҳсулотда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши ортиб бораётганлиги, аҳолини иш билан таъминлашда ҳиссаси ошиб боришида намоён бўлмоқда.



Соҳа жадал ривожининг асосий омили эса қулай муҳитда. Биргина уларға кўрсатилаётган хизматларни олайлик. Жумладан, молиявий кўмак бериш мақсадида исти- сослаштирилган "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки фаолият юрит-

24 та агентлиги фаоллик кўрсатаётди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик орқали ички бозорни тўлдирадиган ва барқарор этадиган ишлаб чиқариш объектларини қўллаб-қувватлашга, уларнинг экспорт салоҳиятини ошириш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш ва турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида ишлаб чиқилган Дастурга асосан жорий йилнинг ўтган 9 ойи давомида 88 миллиард сўмлик микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Ўсиш суръати ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 2,1 баробарга ошди. Банк томонидан кўрсатилган микромолиявий

хизматлар ҳисобига 81 минг 285 та янги иш ўрни яратилди.

Маълумки, хомашёга нисбатан қайта ишлашнинг даромаду фойдаси катта. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг қайта ишланиши аҳоли истеъмолини таъминлаш бора- барида экспорт салоҳиятини оширади. Банк томонидан айна шу мақсадларға йўналтирилган микролизинг хизматлари салмоқи ошганлиги, биз таҳлил этаётган Фармон ижросида ҳам ўзини намоён этди. "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида "Агроминтех Экспо-2009" кўرғазма савдосини ташкил этиш алоҳида вазифа этиб белгиланган эди. Банк ушбу тадбирда ўз мижозларини қўллаб-қувватлашда фаол иштирок этди. Яъни, гўшт, сут, мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган замонавий ускуна ва минитехнологиялар хариди учун 539,4 миллион сўмлик микролизинг хизматлари кўрсатилди.

"Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурида қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳаларини янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилиб, шу мақсадни амалга оширишда "Микрокредитбанк" зиммасига ҳам вазифалар белгилаб берилган. Жорий йилнинг ўтган ойлари давомида 7,6 миллиард сўмлик сармоя, шундан, 4,6 миллиард сўми савдо, умумий оқатланиш объектлари, транспорт ва телекоммуникация хизматларини ташкил этиш учун ҳамда 2,7 миллиард сўми маший хизмат, автомобиль ва бошқа техникаларни таъмирлаш ҳамда тиббиёт жихозлари хариди учун йўналтирилди. Мамлакатимизнинг кўпгина чекка қишлоқларида банкнинг сармоялари эвазига хизмат кўрсатиш гузарлари ташкил этил-



билан тайёрланаётган қурилиш материаллариға Қорақалпоғистон Республикасининг барча шаҳар ва туманларида талаб катта. Нуқсулик тадбиркор Айзада Нурумбетова ташкил этган корхонада тайёрланаётган деворий расмлар газлаамаларнинг чикитлари ва қийқимларидан тайёрланади. Шунингдек, бу ерда касаначилик асосида миллий кашталар зарб этилган қўллаб-қувватлаш ишлаб чиқарилади. Бир сўз билан айтганда, банк мамлакатимизнинг узоқ қишлоқларидаги ҳар бир маҳаллага кириб бормоқда ва бу ерда яшаётган ҳар бир оиланинг эҳтиёж ва имкониятлари доирасида тадбиркорлик билан шуғулланишиға, моддий аҳолини яхшилашға кўмаклашмоқда.

**Фармон ва ижро**  
ликкаъла, Беруний ва Хўжайли туманларида амалга оширилмоқда. Фаровонлик учун фаол хизмат қилаётган "Микрокредитбанк" Шарқий Европа ва МДХ давлатлари бўйича Микромолиялаш марказининг Польшадаги Халқаро Микромолиялаш Маркази аъзоси ҳисобланади. Шунингдек, айна ўз молиявий мажбуриятларини ўз вақтида бажара олиш қобилиятиға узоқ ва қисқа муддатли ҳамда умумий узоқ муддатли йўналишлар бўйича барқарор рейтинг баҳо- холари берилди.

# Янги имкониятлар тараққиёт ва фаровонлик хизматида

ди. Фалларол туманининг Лалмикор ва Пахтабод туманининг Алимардон қишлоқларида ташкил этилган хизмат кўрсатиш комплекслари қишлоқда яшаётган аҳолининг кўпалаб муаммоларини ўша жойининг ўзида ҳал этмоқда.



рилиши натижасида 12 минг 214 та янги иш ўрни яратилганлигини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Аҳолининг кам таъминланган ва ёрдамға муҳтож қатламни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида чорва моллари сотиб олиш учун 2 минг 933 оилаға 3 миллиард 802 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди.

Еш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш учун 4 минг 255 та ёш оилаға 12,7 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш учун 2 минг 411 та ёш оилаға 7,4 миллиард сўмлик имтиёзли микрокредитлар ажратилиб, 7 минг 714 та оила иш билан банд бўлди.

Банкнинг мижозлари йўналтирилган сармоядан унумли фойдаланиб, ишларини ривожлантирганлиги, янги-янги иш ўринлари, ишлаб чиқаришда янги йўналишлар ташкил этаётганлиги эса ҳар бир истиқболли лойиҳанинг эътибордан четда эмаслигини кўрсатади. Бунинг қўйидаги мисоллар ҳам намоён этади. Хивалик тадбиркор Мехрибон Маткаримова Хива ёдгорликлари комплекси ичидаги ядрасалардан бирида тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. Аввало, табиий ашёлардан Хива гиламлари тўқиш йўлга қўйилди. Гиламға асосан ипак ишлатилди. Унинг ранглари эса ёнғоқ ва биёз пўстлоқдан, тут, олма ва шиша даракларининг япроғидан олинди. Корхонада Хоразм воҳаси кашталарини тикиш ҳам йўлга қўйилган. Каштачилик сирларни бу ерда ўрганган шоғирдлар кейинчалик касаначилик асосида фаолият кўрсата бошлайдилар. Ушбу ишлар банкдан олинган атиги ярим миллион сўм сармоя эвазига йўлга қўйилган. Энг муҳими эса бунинг ҳисобига корхона 20 та ишчи ўрни яратган. Еки, Жомбойдаги "Дента Шухрат" корхонасига банк 5,2 миллион сўмлик микролизинг хизмати кўрсатган, "Дента Шухрат"нинг мижозлари сони уч баробарға кўпайди. Эллиқкаъла туманида "Дилмурод-Дибрбек" номи масъулият чекланган жамият ташкил этган Давронбек Қобулов "Микрокредитбанк"нинг "120-миллиард кредити" деган савриниға сазовор бўлган. Ҳозирги кунда корхонада бадий дид

кейинги йилда янада кенг қўлаб касб этди. Яъни, мазкур микромолиявий ташкилот кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига молиявий хизмат кўрсатиш билан биргаллик яратувчилик ишларини кенгайтириш борасида мунтазам равишда турли-туман тадбирлар ўтказиб келмоқда. Масалан, Қарши шаҳрида ҳамда Эллиқкаъла ва Фалларол туманларида "Микрокредитбанк" сармоялари тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида мавзуда ўтказилган кўрғазмалли семинарлар банк билан тадбиркорларнинг амалий мулоқотиға айланди. Анжуманлар доирасида микрокредитлар



ҳисобига яратилган товар ва маҳсулотларининг кенг қўлабдаги ярмарка ва кўрғазмалари намоён этилди. Тадбиркорлар ва банк ходимлари бундай учрашувларда микро- сармоялардан самарали фойдаланиш сирлари борасида фикр алмашдилар.

Фармонға асосан, Тадбиркорлик субъектлариға ажратилаётган микрокредит ва микролизинг хизматлари кўрсатиш қўламини янада кенгайтириш мақсадида халқаро молия институтлари ҳамда етакчи хорижий банкларнинг имтиёзли кредитлари, инвестиция ва грантларини жалб этиш ишлари амалга оширилмоқда. Жумладан, Халқаро тараққиёт уюшмасининг (МАР, Жаҳон банки) "Қишлоқ хўжалиги корхоналарини қўллаб-қувватлаш II босқич" лойиҳасини амалга ошириш бўйича шартнома имзоланди. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги қошидаги "Лойиҳани амалга ошириш гуруҳи" билан ҳамкорликда Жаҳон банки маблаглари ҳисобидан "Қорақалпоғистон Республикасида пиллачиликни ривожлантириш" лойиҳаси бўйича Келишув Битими имзоланди. Бу тадбир Тўртқўл, Эл-

турлари жорий этилди. Шунингдек, банк VISA халқаро тўлов худудий операциялар комитетининг 2009 йил июнь ойидаги қарориға асосан VISA халқаро тўлов тизимини аъзоллигиға қабул қилинди ҳамда халқаро пластик картчаларни муомалаға чиқариш ҳуқуқиға эга бўлди.

Банк аҳолининг бандлик даражасини ошириш, даромад манбаларини таъминлаш мақсадида янги ташкил этиладиган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлариға бошланғич сармоя учун микрокредитлар ажратиш, фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлариға тадбиркорликни ривожлантириш ва айланма маблаглари тўлдирish учун микрокредитлар ажратиш, уларға лизинг хизматлари кўрсатиш ҳажмини кўпайтириш мақсад қилган. Бир сўз билан айтганда, "Микрокредитбанк" очик акциядорлик тижорат банки мамлакатимиз иқтисодийётини ҳар томонлама тараққий эттириш, халқ фаровонлигини ошириш мақсадида амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни муваффақиятли давом эттириш ишиға бундан буён ҳам ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб боради.



**Ж**аҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг мамлакатимиз иқтисодийётига таъсири юмшатиш, барқарор ривожланишға хизмат қилаётган "Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурининг амалга оширилишида "Микрокредитбанк" мижозларини молиявий қўллаб-қувватлаш, истиқболли лойиҳаларни амалга ошириш билан муносиб улуш қўшаётди. Бу жараёнда Президентимизнинг 2008 йил 10 ноябрдаги "Микрокредитбанк акциядорлик тижорат банкининг тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш борасидаги фаолиятини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамият касб этаётди. Таҳлилимиз давомида амин бўлганмики — эришилаётган натижалар Президентимиз томонидан қабул қилинган Фармоннинг узоқни қўлаб, айна вақтида амалга оширилган тадбир эканлигиға ёрқин исботдир.

Анвар ҚУЛМУРОВОВ,  
"Qishloq hayoti" муҳбири. ☺

Ангулжон Вилоят

ОСМОН КАБИ БАҒРИНГИЗ КЕНГ, ОНАЖОН!

Луқмони ҳақимнинг "ота-онага яхшилик қилгин", "яратганга шукр қилгин, ким шукр қилса, ўз фойдаси учун шукр қилур", "яхшиликка булор ва ёмонликдан қайтар", "ўзинга етган балоларга сабр қилгин", "ҳаргиз бу ҳоқо ҳавас дунёда ўқинчи неъматларга алданиб қолма", деган ҳикматлари бор. Узок йиллардан бери кузатиб юриб шундай фикрга келдимки, Сибсатхон опа Абдуллаева юқорида зикр этилган ҳикматларга амал қилиб яшагани боис катта обрў-эътибор билан элга танилди.



Таъзим

Бундан ўттиз йил аввал, эндигина журналистикага қадм қўйган чоғларимиздаёқ матбуот саҳифаларида андижонлик Сибсатхон Абдуллаева ҳақида тез-тез ўқиб турардик. Мана бугун унинг ҳузурдаммиз — Ўзбекистон Қоҳрамони Сибсатхон опа Абдуллаеванинг мўъжазгина оромгоҳга қийсагудек дала шийпонидамиз.

— Ота-онам ўғитларига амал қилиб, тонг ёришмай ўғиниш мен учун одат бўлиб қолган, — дейди опа. — Келин бўлиб тушган хондонидида меҳрибонлар ҳам, меҳрга муҳтожлар ҳам бор экан. Бомдод номозига яўғиниб, хамир қилиб, тандирда нон ёлардим. Тонг ёришунга қадар сигир соғиб, қаймоғини олардим. Иссиқ нон ва қаймоқ билан нонушта дастурхонини тайёрлардим. Қайнонам билан бирга нонушани қилиб, далага чиқиб кетардик. Кун бўйи дала ишларини уйдалаб, яна уйга қайтардим. Кечки овқат тайёрлаш, қирчиларни ювиш ва ҳоказо оилавий ишлар билан ярим тун бўлиб қолардик. Уч-тўрт соатгина ухлаб оlib, яна тонгини қаршилардим.

Сибсатхон Абдуллаева Андижондаги қишлоқ ҳўжалиқ институтини таҳсил олиб, деҳқончилик илими сирларини шу даргоҳда эгаллаган. Талабалик йиллари амалиёт тахрибисини Арслонбобода ўтказиб, тоғлардаги ноёб ўсимликлар ва дараклар баргларидан гербарийлар тайёрлаб келган. Халихануз ушбу гербарийлар олийгоҳда

кўргазмани ашё сифатида сақлаиб келинаётганини опа қувониб гапирди. — Қандай яшашлиқни ҳаётдаги устозим — акамдан ўргандим, — дейди опа. — Илоҳ жойлари жаннатда бўлсин, бутун умрини, билимини, куч-гайратини, борлигини десам ҳам бўлаверарди, деҳқончилик бағишлаган инсон эди. Одди — ва содда қийинчи, дунё оройишига — зийнатларига уммаслик, балоларга сабр, неъматларга шукр қилишлик, бўлар-бўлмагаси обин-дида қилмаслик, яхшилар этагидан меҳам тулшлик, гулу давлат ортидан қувмаслик, меҳнатдан, фақат меҳнатдан келган бойлик ҳисобига яшашлик ажажонимдан бизга ибрат бўлиб қолди.

Опанинг дил сўзларини тинглаб ўтирибману хаблимдан ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанднинг "Дилинг Аллоҳда, қўлинг меҳнатда бўлсин", деган ҳикмати ўтади. Сибсатхон опа ҳам шу ҳикматга амал қилиб, мазмунли умр кечирмоқда.

Нима топса даласига — тупроғига меҳр бериб топди. Энг яқин кишиларини йўқотган чоғларидида ҳам шу даласи унинг дардларига дармон бўлди — айрилиқ мусибатларини унутмоқ учун меҳнат билан овқиди. Қўзларига ёш келганида бировларга сездирмади. Сабр-қаноат қилди.

Умр йўлдоши билан беш фарзандни тарбиялаган. Улар воёга етиб-етмай турмуш ўртоғидан қирқ тўққиз қончилик илими сирларини ўрганаётди. — Онам одамларга меҳр-шафқатли, қўли очик, саховатли аёл, — дейди Нурбек. — Ҳўжалиқ аъзолари қилгиса бирга чигит экади, яғана чигиса, бирга яғана қилади, пахта терса, бирга терарди. Бу қадар гайратли, камтарини онажоним борлигидан фахрланаман. Сибсатхон опанинг куйидаги ҳикояси бизни тўққизинчи йилда кўриди. — Қайнонам оғир касал бўлиб ётарди. Унга ҳар доим парвона бўлиб турдим. Ушанда қайнонам "Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам", деб дуо қилган эди. Мухтарам Президентимиз Ислам Каримовнинг табарруқ қўлларидан қаҳрамонлик нишони — "Олтин юлдуз"ни олаётган чоғида раҳматли қайнонамнинг "Тупроқ олсанг, олтин бўлсин, болам", деб қилган дуоси ёдимга тушди. Дуолари нобобат бўлганидан қўзларимга ёш келди...

Дилмурод ҚИРПИЗБОВЕВ, "Qishloq hayoti" муҳбири

ВНИМАНИЯ! ВСЕХ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ, НЕЗАВИСИМО ОТ ФОРМ СОБСТВЕННОСТИ.

Центральная городская больница в г.Чирчике Ташкентской области объявляет конкурсные торги по объекту:

"Капитальный ремонт кровли и приемного отделения Центральной городской больницы в г.Чирчике Ташкентской области". Стартовая стоимость заказчика составляет 294 330 197 сум с НДС. Без НДС — 245 275 164 сум.

Срок окончания капитального ремонта — 30 дней. Заказчик: Центральная городская больница в г.Чирчике Ташкентской области, расположенной по адресу: Ташкентская область, Чирчикский район, 8-ой микрорайон, тел.: 8-370-71-2-93-44.

Финансирование осуществляется за счет местного бюджета.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства, в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданская правоспособность и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных торгов (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов Государственному предприятию "Toshkonsaltingstroytorg" Ташкентского областного хокимията по адресу: г.Ташкент, ул.Навоий 18, ком. № 308-311. Телефон (факс): 241-15-26/32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — 120 000 (сто двадцать тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент ул.Мавераннахр 19 в малом зале здания Ташкентского областного хокимията.

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

ВНИМАНИЯ! ВСЕХ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ, НЕЗАВИСИМО ОТ ФОРМ СОБСТВЕННОСТИ.

Областной детский многопрофильный медицинский центр Ташкентской области объявляет конкурсные торги по объекту:

"Капитальный ремонт приемного отделения областного детского многопрофильного медицинского центра в г.Чирчике Ташкентской области".

Стартовая стоимость заказчика составляет 119 431 322 сум с НДС. Без НДС — 99 526 102 сум.

Срок окончания капитального ремонта — 30 дней.

Заказчик: областной детский многопрофильный медицинский центр Ташкентской области, расположенный по адресу: Ташкентская область, г.Чирчик, ул.Маданият, 31, тел.: 8-370-71-6-50-57.

Финансирование осуществляется за счет местного бюджета.

Предприятия и организации, выступающие в качестве претендентов должны соответствовать следующим требованиям: иметь оборотные средства, в размере не менее 20 % от стоимости предмета конкурсных торгов или поручительство банка на предоставление указанных средств, производственной базы, трудовые ресурсы и специалистов, необходимых для выполнения работ (услуг), обладать опытом работы на объектах, аналогичных конкурному объекту, гражданская правоспособность и полномочиями на заключение договора.

При участии в конкурсных торгах отечественных и зарубежных строительных организаций при оценке конкурсных предложений предусматриваются следующие ценовые предпочтения для отечественных подрядчиков: при проведении оценки конкурсных предложений участников конкурсных торгов (услуг), по которым импортеры в соответствии с законодательством освобождаются от налога на добавленную стоимость, досчитываются на сумму указанного налога.

Для участия на торгах и приобретения конкурсной документации необходимо обратиться с запросом к организатору торгов — Государственному предприятию "Toshkonsaltingstroytorg" Ташкентского областного хокимията по адресу: г.Ташкент, ул.Навоий 18, ком. № 308-311. Телефон (факс): 241-15-26/32.

Стоимость одного комплекта конкурсной документации — 120 000 (сто двадцать тысяч) сум.

Последний срок представления оферт организатору торгов приурочен ко дню и часу вскрытия оферт по адресу: г.Ташкент ул.Мавераннахр 19 в малом зале здания Ташкентского областного хокимията.

Вскрытие оферт состоится через 30 дней после опубликования объявления.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ Volkswagen PASSAT 2009 йил ишлаб чиқарилган. Махсулот сертификатланган. Тўлов шакли - пул ўтказиш йўли билан. Тел.: (+99871) 140-00-62, (+99890) 317-67-97

АРАЛАШ ОЗУҚА МАХСУЛОТЛАРИ СОТИЛАДИ. Қарши шаҳридаги "ДУНЁ-М" акциядорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган аралаш озуқа махсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар тузиш орқали биржа савдоларида вужудга келган ўртача нархларда пул ўтказиш йўли билан сотилади.

Утверенное свидетельство (губкомам) № 001094-01, выданная 19 мая 2007 г., инспекцией по регистрации субъектов частного предпринимательства при хокимияте Чирчикского р-на г.Ташкента на ТЧСК "BOG'OBOD-KOMMUNAL" (ИНН 206578101), считать действительным.

discover OPEL Ташкилот сотади БАРЧА МОДЕЛЛАР МАВЖУД. "Adam Opel AG" компаниясининг расмий дилери "SANAR" ХХ Тошкент ш. У. Носир к. (Иўлжал — Жанубий вокзал, кичик халқа йўли) тел.: (+998 71) 140-00-61, 140-00-62 моб.:(+998 90) 325-88-87, 178-75-77 e-mail: opel@sanar.uz

Утверенная чековая книжка (страницы-чеки №№ 2328353-2328375), выданный Национальным банком Узгеттинского филиала на имя частного предпринимателя Мухомова Шахмата Нуриллаевича, считать действительным.

Утверенный договор купли-продажи и права дома по адресу: Юлбарсий р-н ул.Абдуллаева 155 (ул.Дарман, 24), выданный БТИ Куйбаского р-на Ташкентской обл. на имя Турдиевой Раифы Мазитовны, считать действительным.

"AGTECH AGRI" шўъба корхонаси фермерларга "Джон Дир" техникаларини таклиф этади. Тошкентдаги омборхонадан галла ва шולי ўрши комбайнлари ҳамда ер ҳайдов тракторлари сотилади.

"ИШОНЧ ТЕЛЕФОНИ" Агар сизнинг қонуний ҳуқуқларингиз бузилса, ҳеч иккнкламай Адлия вазирлиги ёки унинг ҳудудий бошқармаларидаги "Ишонч телефони"га қўнғироқ қилишни унутманг. Адлия идораларининг мутахассислари сизнинг ҳақ-ҳуқуқингизни ҳимоя қилишга ва бузилган ҳуқуқингизни тиклашга ёрдам беради!

ВНИМАНИЯ! ВСЕХ СТРОИТЕЛЬНЫХ ОРГАНИЗАЦИЙ И ПРЕДПРИЯТИЙ, НЕЗАВИСИМО ОТ ФОРМ СОБСТВЕННОСТИ. Многопрофильный медицинский центр в п. Ханобод Ташкентской области объявляет конкурсные торги по объекту: "Ремонт кровель зданий многопрофильного медицинского центра в п.Ханобод Зангиатинского района Ташкентской области (Ремонт кровли административного корпуса, кровли переходов № 1 и 2, кровли котельной и кровли пищеблока)". Стартовая стоимость заказчика составляет 242 456 895 сум с НДС. Без НДС — 199 349 521 сум.

Узбекистон Республикаси Давлат Солиқ қўмитаси томонидан Тижорат фойдаланиш учун мўъжалланган товарларни олиб келишни юридик шахс бўлмаган яқин тартибдаги тадбиркор Тихонова Юлия Крымна номидан 20.08.2009 йили берилган давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги № 048791 рақамли гувоҳнома ва 14.09.2009 йили берилган импорт операциялари субъектини хисобга олиш картаси йўқотилганлиги сабабли бекор қилинди.

Бош муҳаррир Чори ЛАТИПОВ Сайфиiddин ИСМОИЛОВ, Эркин КУДРАТОВ, Фарход ОМОНОВ, Раҳимберди БҒРИЕВ, Ғуломжон ИБРАГИМОВ, Саид АРАБОВ, Саидамин САИДЖАЛОЛОВ, Баҳодир АБДУҚОДИРОВ, Илҳом ХАЙДАРОВ, Наримон УМАРОВ, Абдурахмат БОЙМУРОДОВ, Мухаммад ЖУМАГАЛДИЕВ, Садриддин РАСУЛОВ, Виктор ЧУБ, Шухрат ТОШМУРОДОВ, Шухрат НУРМАТОВ, Адилбек АХМЕТОВ, Шамсиддин ЭСОНБОВЕВ, Зинэтудин БЕДИЛОВ, Ҳақимжон УМАРХУҲАЕВ.

ТАХРИР ХАЙЪАТИ: Ағитай АДИЛОВ, Ғофир АЛИЕВ, Тўланбой КАРИМОВ, Шухрат ҒАНИЕВ, Уктам БАРНОЕВ, Утқор РАҲМАТ, Қошиқжон МАМАЖОНОВ, Жуманайза ЖАББОРОВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Суннат САЙДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Рустам КОСИМОВ, Омигулла ЮНУСОВ, Шерзод ҒУЛОМОВ, Муроддин АБДУСАМАТОВ (масули қотиб).

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР — 233-44-43, 775-04-73, 236-58-83, 233-28-04. Реклама ва эълонлар матни учун бурчловчи жабоблар

МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. E-mail: info@qishloqhayoti.uz

Навбатчи: АҚУЛМУРОДОВ Мусалхўвич С.ҚОДИРОВ Д.Зайновер М.ШУКУРОВ